

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “МУБОЛАҒА” КОНЦЕПТУАЛ СЕМАНТИКАСИНИ ВОКЕЛАНТИРУВЧИ ВЕРБАЛ ВА НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРНИНГ ИЗОМОРФИК ВА АЛЛОМОРФИК ЖИХАТЛАРИ

Ж.Б.Қорабоев

Аннотация

Ушбу мақола турли тизимли тилларда универсал табиатга эга бўлган “муболаға” концептуал семантикасини воқелантирувчи воситаларни қиёсий-типологик нуқтаи назардан тизимли ўрганишга бағишланган.

Аннотация

Данная статья посвящена системному сопоставительно-типологическому изучению вербализаторов универсальной концептуальной семантики «гипербола» в разносистемных языках.

Annotation

The article is devoted to the comparative-typological study of the verbalizers of the universal conceptual semantics of “hyperbole” in non-related languages.

Таянч сўз ва иборалар: когнитив, тилшунослик, когнитив типология, “муболаға” концептуал семантикаси, вербализаторлар, вербал воситалар, авербал воситалар, турли тизимли тиллар, изоморфизм, алломорфизм.

Ключевые слова и выражения: когнитивная лингвистика, когнитивная типология, концептуальная семантика «гипербола», вербализаторы, вербальные средства, авербальные средства, разносистемные языки, изоморфизм, алломорфизм.

Keywords and expressions: cognitive linguistics, cognitive typology, conceptual semantics of “hyperbole”, verbalizers, verbal means, nonverbal means, isomorphism, allomorphy.

Тилшунослиқда универсал лингвокогнитив ва лингвостилистик категория бўлмиш муболағани қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ қилишга, унинг изоморфик (ўхшаш) ва алломорфик (ноўхшаш) жиҳатларини ҳамда уларни тақозо этувчи омилларни очиб беришга бағишланган бир қатор илмий ишлар пайдо бўлганлигига қарамай, ушбу долзарб масала когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ҳанузгача мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги кўзга ташланмоқда. Қуйида биз стилистик восита - муболағанинг лингвокогнитив, структурал-семантик, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик жиҳатлари қиёси асосида уларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Инсон объектив борлиқ ҳақидаги тегишли барча билимларни концептуал семантикалар, яъни концептлар орқали эгаллайди. Концептлар яхлит идрокий (ментал) тушунчалар бўлиб, улар инсон тафаккурининг маҳсулидир ва тилда сўзловчи/ёзувчининг концептосферасида мавжуд бўлади. Турли тизимдаги тилларда “муболаға” концептуал

семантикасини ёки “муболаға” концептини воқелантирувчи тил воситалари юзасидан олиб борган қиёсий типологик изланишларимиз шуни кўрсатдики, мазкур семантика универсал табиатга эга бўлиб, у тилларда қуйидаги инвариант вербал воситалар орқали ифодаланар экан:

1) унли ва ундош фонемалар орқали (уларнинг чўзиб талаффуз этилиши (пролонгация) орқали, масалан, *инглиз тилида*: *hellishly, devilishly* каби сўзларда [i:], *extremely* сўзида [i:], *too, absolutely, beautifully* сўзларида [u:] ва ҳ.к.; *ўзбек тилида*: 1) *совуқ, узун* каби сўзларда [y:], масалан: *ўша куни ҳаво совуқ эди, бозордан узун арқон олиш керак эди; ўта сўзида [y:], жуда сўзида [y:], энг сўзида [э:], роса, ниҳоятда, бағоят сўзларида [о:] ва ҳ.к., масалан, у ўшанда ўта хурсанд эди, жуда яхши маъруза бўлди ва ҳ.к.*

2) морфеманинг мустақил ва боғлиқ турлари орқали, масалан, *инглиз тилида*: *single, only, alone, supreme, all, everybody* каби; *ўзбек тилида*: *бутун, барча, батамом, бутунлай, тамоман, ҳаммаси, тўлиқ, шунингдек “in –”, “un–”, “non–” –“мас”- “бес–”,*

Ж.Б.Қорабоев – АндУ инглиз тили грамматикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси.

“не-”, “-less” - “-сиз”- “без-“ ва ҳ.к.;

3) лексеманинг содда, ясама, қўшма, аралаш ва мураккаб турлари орқали, масалан, *инглиз тилида*: immortal, reckless; *ўзбек тилида*: енгилмас, кўринмас, борсакелмас (йўл) ва ҳ.к.;

4) фразема (сўз бирикмаси)нинг қуйидаги турлари орқали: а) координатив: *инглиз тилида* - young and old, apple of my eye, earth and sky ва ҳ.к.; *ўзбек тилида*: **бою камбағал**, бир умр; б) субординатив: *инглиз тилида*: immortal personalities; *ўзбек тилида*: унутилмас кунлар, девдек йигит ва ҳ.к. ; в) предикатив: *инглиз тилида* - talk neverending, Nick overtalking; *ўзбек тилида*: ортиқча ишлаётган Озод ва ҳ.к. ;

5) сентенсеманинг содда, қўшма ва аралаш турлари (аниқроғи, таксемалар) орқали: а) монотаксемалар, масалан, *инглиз тилида*: And she had earth on her hand; *ўзбек тилида*: Унда минг паҳлавоннинг кучи бор; б) политаксемалар, масалан: а) темпорал компонентли гипотаксема орқали, масалан, *инглиз тилида*: ...When I cried hundred times, I was not alone; *ўзбек тилида*: У уйга ўқдай отилиб кирган пайтда, ҳеч ким йўқ экан ва ҳ.к.;

6) фразеоемалар (фразеологик бирликлар) орқали, масалан, *инглиз тилида*: to run one's guts out, to overrespect somebody; *ўзбек тилида*: юрагим ёнди, бошим осмонга етди ва ҳ.к.;

7) текстемалар, яъни дискурсемалар (шу жумладан, градация ва лофлар) орқали, масалан, *инглиз тилида*: 1) Threaten him, imprison him, torture him, kill him, you will not induce him to betray his country; *ўзбек тилида*: Алпқомат йигитлар бор кучларини ишга солдилар, душманни ер билан яксон қилдилар.

Бизнингча, ҳар бир маънодор, яхлит тил бирлиги ўзига хос маълум лингвокогнитив асосга ва концептуал семантикага эга бўлиб, дунёнинг лисоний манзарасини иккиламчи номлаш орқали ифодалаш учун инсон ҳаёт фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган, объектив дунё ҳақидаги концептуаллаштирилган ва категориялаштирилган билимларни воқелантириш учун хизмат қилиши мумкин, кўп ҳолларда у инсон маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, “лингвокультурема” вазифасини ҳам ўтайди. Масалан, ўзбекча “Аравангни ўзинг торт” ва

инглизча “Paddle your own canoe” паремиологик бирликларни қиёсласак, ҳар икки тил ва тафаккур эгаларининг ҳаёт тарзи ва маданияти билан боғлиқ ўзига хос лингвокультуролик воқеликнинг гувоҳи бўламиз. Айни ҳолатда биз қиёсланаётган тилларда бир хил, яъни “мустақил фаолият олиб бориш” концептуал семантикасини ифодаловчи икки хил вербализаторларни кўриб турибмиз. Уларнинг бирида “арава”, иккинчисида эса “canoe”(каное – қайиқнинг бир тури) лексемаларининг қўлланилиши мазкур тил эгалари бўлмиш ўзбек ва инглиз халқларининг ҳаёт тарзи ва маданияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўзбеклар тарихида “canoe” умуман бўлмаган, ваҳоланки, бир жойга бориш учун улар одатда (от ёки эшак) аравадан фойдаланишган, инглизларда эса “canoe” энг қулай транспорт воситаларидан бири бўлган, чунки чор атроф деярли сувликлардан иборат бўлганлиги учун уларда аравадан фойдаланишга эҳтиёж кам сезилган. Бундай ҳолат уларнинг лисоний манзара орқали дунёни у ёки бу тарзда инъикос қилишлари ҳам ўзига хос воқеликлар ва шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, юқорида эслатиб ўтилган вербал воситалар билан бир қаторда қиёсланаётган тилларда, эҳтиёжга кўра, мулоқотда “муболаға” концептуал семантикасини ифодаловчи новербал (паралингвистик) воситалар ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, муболағалашган маъноларни новербал воситалар (турқ-тароват, юз, кўз(лар), лаб(лар), бурун, қош(лар), бош, елка ва тананинг бошқа аъзолари) орқали ифодалаш эҳтиёжи ҳам туғилиши мумкин. Шундай қилиб, вербал воситалар тилшуносликда бир умуматама билан “вербализатор” (“репрезентант”, “актуализатор” ёки “объективатор”) деб юритилса, новербал воситалар “паралингвистик воситалар”, деб аталади.

Юқорида келтирилган қиёсий-типологик таҳлилга асосан чоғиштирилаётган тилларда “муболаға” концептуал семантикаси вербализаторларининг бир қатор изоморфик ва алломорфик жиҳатлари бор бўлиб, улар, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1) “муболаға” концептуал семантикаси универсал табиатга эга бўлиб, мулоқот учун муҳим аҳамият касб этади ва шу маънода у тилда сўзловчи/ ёзувчи шахс концептосферасида мавжуд универсал ҳодиса бўлиб ҳисобланади, қиёсланаётган тилларда “муболаға” концептуал семантикасининг юқорида эслатиб ўтилган вербал воситалари билан бир қаторда, эҳтиёжга кўра, мулоқотда унинг новербал (паралингвистик) воситалари ҳам қўлланилиши мумкин.

2) қиёсланаётган тилларда “муболаға” концептуал семантикаси қуйидаги эмик бирликлар орқали воқелантирилади: 1) фонема (тўғрироғи, морфофонема); 2) морфема; 3) лексема; 4) синтаксема: а) фразема; б) сентенсема; 5) фразеоема (фразеологик бирлик); 6) текстема (дискурсема);

3) қиёсланаётган тилларда мавжуд “муболаға” концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи вербализаторларнинг инвариант турлари бир хил бўлса-да, улар ўзига ҳос фонологик, морфологик, лексикологик, синтактик, фразеологик ва текстологик 0(дискурсологик) тавсифлари ва қўлланишлари билан ажралиб турадилар;

4) қиёсланаётган тиллардаги “муболаға” концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи мавжуд вербализаторлар қатъий равишда мазкур тилларнинг истеъмолдаги морфолого-синтактик моделлари (қолиплари) асосида ясаладилар ва қўлланиладилар, мавжуд “муболаға” лингвокогнитив майдон”лари ўзларининг ҳажми ва сифими билан фарқланадилар;

Шундай қилиб, қиёсланаётган тиллардаги “муболаға” концептуал семантикаси вербализаторларининг изоморфик жиҳатлари тилларда зикр этилган семантиканинг универсал лингвокогнитив асоси мавжуд эканлиги билан тушунтирилса, уларнинг алломорфик жиҳатлари тадқиқ қилинаётган тилларда сўзлашувчилар/ёзувчиларнинг ўзига ҳос бетакрор тафаккурга эга эканликларидан ва унинг мулоқотда ўзига ҳос идиоматик вербал ва новербал воситалар орқали қатъий воқелантирилиши билан изоҳланади. “Муболаға” концептуал семантикаси вербализаторларининг қиёсий-типологик таҳлили натижалари мазкур вербализаторларнинг транслатологик ва лингводидактик аспекти билан бевосита боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
2. Кунин А.В. Гипербола в сфере английской фразеологии (О фразеологической гиперболе) // Английская фразеология в функциональном аспекте. – М.: ВАСХНИЛ, 1989. Вып. 336.
3. Кураханова И.С. Языковая гипербола и функциональная характеристика стилистического приема гиперболы (на материале англ. языка): Дисс...канд.фил.наук. – М., 1978.
4. Сыроваткин С.Н. Явление гиперболизации в плане функциональной лингвосомиотики. В сб.: Вопросы лексикологии, стилистики и грамматики в аспекте общего языкознания. – Калинин, 1977.
5. Jackendoff R. Semantics and Cognition. 6th ed. Cambridge (Mass.): The MIT Press. 1993.
6. Galperin I.R. Stylistics. – М.: Higher School, 1981.

(Тақризчи: С.Солижонов, филология фанлари номзоди).